Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 17-YANVAR, SESHANBA, 7 (7936) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Балиқчилик соҳасини кадрлар билан таъминлаш мақсадида Тошкент давлат Аграр университети Нукус филиалида 50 нафар талаба, Амударё туманидаги Агробизнес, Қишлоқ хўжалиги, Беруний туманидаги Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида 30 нафардан, Кегайли тумани Қозонкетган касб-ҳунар коллежида 27 нафар ўқувчи "Зоотехния" йўналиши бўйича ўқитилмоқда.

Шу кунларда "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖнинг Пахтакор тумани филиали ҳовлисига қатнаётган тиркамали тракторлар кети узилмайди. Лекин улар бу ердан одатдагидай маъданли ўғитлар эмас, маҳаллий ўғит олиб чиқишмоқда.

Мамлакатни ҳеч нарса спорт ва санъатчалик дунёга тез машҳур қилолмайди. Ўзбекистон азалдан жозибали куй-қўшиқлари, халқ термалари, миллий рақслари билан жаҳон аҳли эътиборини қозониб келган. Бу борада юртимизда фаолият юритаётган халқ бадиий жамоалари орасида "Сирдарё наволари" ашула ва рақс ансамблининг ҳам алоҳида ўрни бор.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Наманган Вилояти

▼ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

ИЗЛАНИШ ВА ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ

Наманган шаҳридаги "Мехмаш" очиқ акциядорлик жамияти муҳандис-техник ходимларининг изланишлари натижасида маҳаллий хомашёдан кенг турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада биолиниялар (трихограмма, бракон ва олтинкўз сингари ҳашаротларни кўпайтириш ускуналари), сеялкалар, архив стелажлари, металл шкафлар ва сейфлар билан бир қаторда ички бозор талабларига мувофиқ инкубатор ҳамда иссиқхоналар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда 320 ишчи-хизматчи меҳнат қилаётир.

СУРАТДА: *усталар Аҳмаджон Сатимов ва Мухторжон Аюпов.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Сирдарё Вилояти

Деҳқонобод қишлоқ фуқаролар йиғини органларидан бири. 1745 та хонадонда 2200 оила яшаётган фуқаролар йиғини ҳудудида аҳоли фаровон турмуш кечириши, фарзандларининг соғлом ўсиб-улғайиши учун барча қулайликлар яратилган. 4 та қишлоқ врачлик пункти, 4 та болалар боғчаси, 6 та умумтаълим мактаби, 1 та коллеж намунали хизмат кўрсатиб келмоқда.

ФАРЗАНДЛАРНИНГ СОҒЛОМЛИГИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ БЕЛГИСИ

Фуқаролар йиғинида кўчалар, йўлларни ободонлаштириш, янги уй-жойлар қуриш, аҳолига сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш, тадбиркорлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Қаропчи, Умрзоқобод, Бекат маҳаллаларида тўлиқ автобус ва такси қатнови йўлга қўйилган. Бекат қишлоғида яшовчи тадбиркор Шукуржон Раҳмонбердиев бир неча йил олдин "Такси плюс Абдулазиз ҳамкор" кичик автокорхонасини очиб, 2 та автобус, 2 та микроавтобус сотиб олган эди. Кейинчалик тадбиркор фаолиятини янада кенгайтириб буларга қўшимча 10 та "Матиз" енгил автомашинаси сотиб олди ва автокорхона шофёрлари тўлиқ Деҳқонобод қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Тадбиркор ушбу ишлар билан чекланиб қолмай, Умрзоқобод маҳалласида аҳолига кенг миқёсда хизмат кўрсатадиган савдо дўкони, тикувчилик цехи, сартарошхона ва уруғлик дўконини ҳам қуриб ишга туширди. Тикувчилик цехида ўндан ортиқ қиз меҳнат қилаётир. Уруғлик дўкони эса аҳоли талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб аҳолига сабзавот, полиз экинлари уруғлари, ҳатто, ноёб мевали дарахт кўчатлари, хўжалик учун зарур кетмон, белкурак, ўроққача етказиб бераётир. Маҳаллаларда томорқа хўжаликларидан самарали фойдаланилаётганлиги боис томорқачилар бир йилда икки-уч марта ҳосил етиштириб, ўз томорқаларидан йилига 6 миллион сўмлаб даромад олишмоқда.

Умрзоқобод маҳалласида яшовчи Умрзоқ ҳожи Ҳайдаров фарзандлари, невараларини ёнига олиб, 20 сотихлик томорқасида алоҳида иссиқхона барпо этганди. Унда помидор, бодринг етиштириб, ўтган йил декабрь ойининг ўзида улардан 4 миллион сўмдан ошиқ даромад қилди. Улар ўрнига янги— иккинчи бор экилган помидор, бодринг март ойида пишиб-етилиб, оиланинг томорқа-иссиқхонадан олаётган даромади яна 2-3 миллион сўмга кўпайиши кутилмоқда.

— Қишлоқда мўъжазгина томорқа ҳам катта фойда келтиради, — дейди Умрзоқобод маҳалласида яшовчи миришкор Наби Мўминов. —2-3 йил олдин 8 сотих майдонда иссиқхона қуриб саримсоқ пиёз, помидор кўчати ва кўкат етиштиришни йўлга қўйдик. Ҳаракатларимиз зое кетмади: кичик иссиқхонанинг ўзидан йилига 4-5 миллион сўм қўшимча фойда оляпмиз. Рўзғоримиз бут, оилада бирор нарсага муҳтожлик сезилмайди. Айниқса, бу йилгидек шароитда бир килограмм саримсоқ пиёзнинг бозорда ўн минг сўмдан сотилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, иссиқхонадан оиламиз кўраётган даромад яна 1-1,5 милллион сўмга ошади.

— Қишлоқ фуқаролар йиғинимизда ери-томорқасини суюб, эл дастурхони тўкинлиги, фарзандлари камоли, бахту иқболини ўйлаб иш тутаётган эзгу ниятли кишилар кўп, — дейди ҚФЙ раиси Жўрабой Қўлдошев. — 70 ёшли отахон Йўлдош Молтаев, Тошмамат Ҳайдаров, Холйигит Холмаматовдек миришкор деҳқонлар томорқа хўжалигидаги 400-500 туп анордан йилига 6-7 миллион сўмдан фойда олишмоқда. Яна бир тадбиркор чорвадор Жумабой Тошпўлатов эса молхона қуриб, оилада сут ва гўшт етиштиришни йўлга қўйди.

"Виктория Регия" фермер хўжалиги раҳбари Қаршибой Эшназаров мўл пахта, ғалла етиштириши баробарида чорвачиликни ҳам бинойидек йўлга қўйиб, ўз хўжалигида 50 бош зотли мол боқяпти. Саховатпеша инсон олинаётган даромад ҳисобидан 10 дан ошиқ кам таъминланган оилага доимий моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори доирасида Қаропчи қишлоғида 20 та замонавий янги уй-жой эгаларига топширилди. Янги уй соҳибларининг 70 фоизи ёш оилалар эканлиги, келгусида ушбу массивнинг ўзида 102 та уй-жой қурилиши кўзда тутилиб, алоҳида шаҳарча барпо этилаётгани, Бекат маҳалласидаги ғиламчилик цехида 40 нафар хотин-қизнинг иш билан таъминланганлиги ҳам ёш оилаларни мустаҳкамлашга эътибор ҳар қачонгидан ошганлигининг исботидир.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Кунниинг муҳим воқеалари

▶ Денов туманидаги "Кўчакли" маҳалласида барча қулайликларга эга қишлоқ врачлик пункти фаолият бошлади. Замонавий усулда қад ростлаган кўркам бинода "Кўчакли" ва "Хўжахалқи" маҳаллаларида истиқомат қилаётган 7,5 мингга яқин аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган.

▶ **Жиззах шаҳридаги 1-оилавий поликлиникада Мустаҳкам оила йили мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбати қатнашчилари оилалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда тиббиёт муассасаларининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.**

▶ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Намунали милиция таянч пункти" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида Кўнғирот туманидаги 100-милиция таянч пункти ғолиб деб топилиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

Қашқадарё Вилояти

ОАВ: эътибор, масъулият ва имтиёз

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё минтақавий бўлинмасида "Оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш — уларнинг фуқаролик институтлари тизимидаги ролини оширишнинг муҳим омили" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникацион технологиялар масалалари қўмитаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда ЎзА ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоят, шаҳар ҳамда туманлар газеталари бош муҳаррирлари, масъул ходимлари, республика газеталарининг вилоятдаги мухбирлари ва бошқалар иштирок этишди.

Унда сўз олганлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида демократик ислоҳотлар ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини такомиллаштириш, миллий матбуотимиз нуфузини янада ошириш ва уларнинг моддий-техник базасини тобора мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидладилар. Шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунчалар берилди. Бундан ташқари, тадбирда ахборот соҳасини либераллаштириш борасидаги чора-тадбирлар, Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Тошкент Вилояти

▼ ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

ТОМОРҚАДАН — "НЕКСИЯ" ВА "ДАМАС"

Маълумки, кейинги вақтларда мамлакатимизда аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш, бир йилда икки-уч маротаба ҳосил етиштириб, бозорларимизни қишин-ёзин сархил мева-сабзаватлар билан тўлдириш, нарх-навони пасайтириш ва оила бюджетига қўшимча даромад келтириш йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги қошида махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, аҳолига томорқадан самарали фойдаланишда керакли йўл-йўриқ, маслаҳатлар берилиб, зарурат сезганларга уруғлик, кўчат сотиб олиш учун керакли маблағлар банкларнинг имтиёзли кредитлари асосида ажратилиши юзасидан амалий кўмаклар кўрсатилмоқда.

Меҳнатсевар, деҳқончилик сирасрорларини яхши билган туман аҳолиси далада бўлсин, томорқасида бўлсин мўл-кўл ҳосил етиштириб, дастурхонларимизни тўкинсочин қилиб келишмоқда. Ҳокимликда ташкил этилган штаб томонидан томорқа ерларига экиш учун мевали кўчатлар, сабзавот, полиз ва картошка экинлари уруғлари, зараркунандалар ва касалликка қарши курашиш воситаларини етказиб бериш, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрономия хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилянти.

— Туманимизда ўз томорқасига эга бўлган 32241 хонадон бўлиб, уларга 4885 гектар ер майдони бириктирилган. Шундан 4035,8 гектари экин майдони бўлиб, ҳар бир хонадон учун оила эҳтиёжи ва бозорда сотиш учун зарур экинлар экиш, боғ яратиш имконияти яратилган. Томорқа ерларининг 2896,1 гектарида сабзавот экинлари, 900 гектардан зиёд ерда картошка етиштирилади. Шунингдек, полиз, дуккакли ва бошқа экинлар ҳам парвариш қилинади, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси бошлиғи, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва назорат қилиш туман штаби раҳбари ўринбосари Раҳматилла Ражапов. — Бу маълумотларга таянган ҳолда айтишимиз мумкинки, томорқа хўжаликларида етиштирилаётган маҳсулотлар озиқ-овқат захирасини тўлдириш билан бирга томорқа эгаларининг даромад манбаига айланаётир. Кўплаб хонадон эгалари ўз томорқаларида йил давомида 2-3 марта ҳосил олиш ҳисобига катта даромад олмоқдалар.

"Дўстлик" ҚФЙ Қумариқ маҳалласида яшовчи Муҳаммаджон Убайдуллаев кўп йиллардан буён лимон парваришлаб келади. Хонадон эгасининг янги ҳосилдан кўнгли тўқ.

Айни кунда туманнинг барча ҳудудларида хонадон паспорти жорий этилган. Ушбу паспортда ҳар бир хонадоннинг томорқа ер майдони, унда экилаётган экин турлари, мевали дарахтлар, токлар, мавжуд чорвачилик ва паррандачилик турлари, жами етиштирилаётган ялпи маҳсулот тўғрисидаги маълумотлар, томорқада экин экиш, боғ яратиш ҳамда парваришлаш бўйича тавсиялар ҳам ўрин олган.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан хонадон эгаларига зарур бўлган уруғлик, кўчат ҳамда иш анжомларини етказиб бериш бўйича отрядлар ташкил этилган. Улар ёрдамида хонадонларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, "Агробанк" очиқ акциядорлик-тижорат банки Тўйтепа филиали томонидан плёнка остига экиш учун 200 хонадонга 500 минг сўмлик сабзавот уруғлари бепул берилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Қорақалпоғистон Республикаси

ОРОЛБЎЙИДА БАЛИҚЧИЛИК ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида балиқчилик соҳасида ўтган йилда амалга оширилган ишларнинг якуни ва жорий йилга мўлжалланган энг муҳим йўналишларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, корхона ва ташкилот раҳбарлари, балиқчилик соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Семинар-кенгашда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги "Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Оролбўйида балиқчилик соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, 76 минг 933 гектар майдондаги 117 та табиий сув ҳавзалари 92 та ижарачига шартнома асосида бириктирилди. Ўтган 2011 йил давомида жами 1101 тонна ёки 2 миллиард 920 миллион 590 минг сўмлик балиқ маҳсулотлари харидорларга етказиб берилди. Бундан ташқари, янгидан ташкил этилган 21 та балиқчилик хўжаликларининг 112 гектар сунъий ҳовузларидан 65 тонна, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги йиғилиш баёни топшириғига асосан ташкил этилган 53 та интенсив бассейнлардан 17,5 тонна балиқ овланди.

Ўтган йили "Нукусбалиқ" МЧЖ туридаги қўшма корхона томонидан 300 минг дона, "Антиқа" фермер хўжалиги томонидан 320 минг дона бир йиллик (сеголетка) балиқ чавоқлари тайёрланиб, шундан 81 минг донаси балиқчилик хўжаликларига етказиб берилди. Бундан ташқари, Германиянинг Халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан "Тўрткўл балиқ", "Нукус Акуа филтр", "Кегайли балик", "Хўжайли балиқ" масъулияти чекланган жамиятлари, "Сарвар" фирмаси, "Ойбулоқ", "Антиқа", "Алимбеткўл", "Аму тўлқини балиғи" фермер хўжалиги раҳбарлари интенсив балиқ етиштириш, балиқларни озиқлантириш масалалари бўйича Тошкент шаҳрида ўқитилди ва уларнинг қўлларига лойиҳа томонидан жами 40 минг дона чавоқлар ташланди.

Балиқчилик соҳасини кадрлар билан таъминлаш мақсадида Тошкент давлат Аграр университети Нукус филиалида 50 нафар талаба, Амударё туманидаги Агробизнес, Қишлоқ хўжалиги, Беруний туманидаги Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида 30 нафардан, Кегайли тумани Қозонкетган касб-ҳунар коллежида 27 нафар ўқувчи "Зоотехния" йўналиши бўйича ўқитилмоқда.

"Нукус балиқ" МЧЖ туридаги қўшма корхона томонидан 2011 йил мобайнида 115 тонна балиқ маҳсулоти 172 минг евро миқдорида, 9,5 тонна балиқ маҳсулоти 7,9 минг АҚШ доллари миқдорида Россия давлатига ҳамда 136 тонна филе (майдаланган балиқ) маҳсулоти 549 минг АҚШ доллари миқдорида Туркия давлатига экспорт қилинди. "Қозоқдарёбалиқ" МЧЖ жамоаси консерва ишлаб чиқарадиган мини цехни яқин кунларда ишга туширади. Цех биноси қурилиб, Россиядан 46 минг АҚШ доллари қийматида консерва ишлаб чиқарадиган технология олиб келиш учун шартнома имзоланди. Қўғирот тумани "Свягадуз", Нукус шаҳридаги "Нукус балиқ" корхоналари, ўтган йили Қўнғирот тумани "Последныйдон" масъулияти чекланган жамияти, Амударё тумани "Қипчоқбалиқ", "Палванов Дилмурод" масъулияти чекланган жамияти томонидан балиқ маҳсулотларини сотишга мўлжалланган дўконлар фойдаланишга топширилди. Шунинг ҳисобидан 10 та янги иш ўринлари ташкил этилди.



Балиқчилик соҳасида жаҳонда етакчи ўринни эгаллайдиган Вьетнам Республикасининг илғор технологияларини Оролбўйида жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йилнинг октябрь ойида балиқчилик ва паррандачилик фермер хўжаликлари раҳбарлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тажрибани ўрганиш мақсадида Вьетнам Республикасида хизмат сафарида бўлди.

— Балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига ҳукуматимиз томонидан катта ёрдам берилмоқда, — дейди семинар-кенгаш иштирокчиси, Чимбой туманидаги "Алимбеткўл" фермер хўжалигининг раҳбари Пахит Юсупова. — 2011 йилнинг декабрь ойида "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалидан 150 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, Вьетнам Республикаси тажрибаси асосида кўл қазиш ишларини олиб бормоқдамиз. Яқин кунларда 50 минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиб, балиқчилик соҳасига омихта ем ишлаб чиқарадиган цех қурмоқчимиз. Келгусида балиқчиликни ривожлантиришда вьетнамлик мутахассислар билан ҳамкорликда иш олиб боришни режалаштирганмиз.

Қорақалпоғистон Республикасида 2012-2016 йилларда паррандачилик, балиқчилик ва пиллачиликда интенсив технологияларни қўллаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш бўйича Дастурга мувофиқ, жорий йилда 3100 тонна, келгуси йили 5 минг тонна, 2016 йилда 15 минг тонна балиқ етиштириш муҳим вазифа этиб белгиланган. Жорий йил март ойида Вьетнам Республикасидан 2 нафар мутахассис-экспертни жалб қилган ҳолда майда балиқ чавоқлари етиштирадиган парваришхона, "Пангаскус" балиқларини етиштиришни иқлимлаштириш мақсадида Қоратерен кўли атрофида ушбу балиқларни қишда сақлаш питомнигини ташкил этиш, шунингдек, ҳар бир туманда 30 гектаргача сунъий ҳавзаларни қуриш, янги инкубация цехлари ва репродуктор-парваришхоналар ташкил этиш, қуввати 1000 тонна омихта ем ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик цехни чет элдан олиб келиб ўрнатиш, сазан ва леш балиқларидан 10 минг дона миқдоридаги гипофизар препаратларни тайёрлашни ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ушбу тадбирларни амалга оширишга жами 1 миллиард 650 миллион сўм ҳамда 100 минг АҚШ доллари миқдорида банк кредитлари ажратилган.

Семинар-кенгаш иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги олдидан

Самарқанд Вилояти

Мен украин миллати вакилиман. Барча миллат ва элат вакилларига бирдек эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган Ўзбекистонда туғилиб ўсдим, таълим-тарбия олдим, ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Ота-онам Украинада туғилиб ўсган бўлишса-да, уларнинг тақдир йўллари Ўзбекистон билан туташган. Шу ерда оила қуриб, меҳнат қилганлар. Биз, оиладаги беш фарзанд ҳам Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилганмиз. Туман марказидаги 6-мактабда таълим олдик. Кейинчалик ўз қизиқишимизга қараб касб-ҳунарли бўлдик. Акам ва укам отам изидан бориб, транспорт соҳасини танлади. Уч опа-сингиллар эса ўқитувчимиз.

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ ЭКАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Мен Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олдим. Сўнгра ўзим ўқиган мактабда ўқитувчилик қила бошладим.

Йигирма йилдан зиёд мактабга раҳбарлик қилдим. Бу даврда муассасамиз таълим-тарбия сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратдик. Айниқса, мустақиллик туфайли, Президентимизнинг таълим соҳасига эътиборлари самарасида юқори натижаларга эришдик. Ўқитувчиларимиз вилоят, мамлакат миқёсидаги танловларда муваффақиятли иштирок этди. 1995 йилдан буён мактабимиз рейтинг кўрсаткичлари бўйича туманда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. 2002 йилда «Йил мактаби» танловининг вилоят босқичида биринчи, мамлакатда эса тўртинчи ўринни эгалладик.

Ана шу муваффақиятлар сабаб бўлса керак, 1996 йилда Президентимиз Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. 2007 йилда эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлдим. Давлатимизнинг ушбу нуфузли мукофотини Президентимиз қўлидан қабул қилиб олган чоғимдаги қувонч ва ҳаяжон умримнинг энг унутилмас дақиқалари бўлиб қолди.

Туман марказидаги "Мустақиллик" маҳалламизда мени барча «муаллима опа», деб ҳурмат қилади. Тўй-маъракалар, байрам тадбирларини турли миллат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб ўтказамиз. Тўйларда ёшларга тилак билдиринг деб, кўпинча менга сўз беришади. Шунда маҳалладошларимни ўзбек ва украин тилларида табриклайман, ёшларга бахт-саодат тилар эканман, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тотувликка кўз тегмасин, дейман.

Оиламизда ҳам ўзбек ва украин халқларининг миллий маданияти, урф-одат ва анъаналари эт ва тирноқдек бир-бирига сингиб кетган. Ота-онамдан ўрганганларимни мен ҳам фарзанд ва набираларимга ўргатяпман. Турмуш ўртоғим – Геннадий Шульга билан икки ўғилни вояга етказдик. Тўнғич фарзандимиз отаси касбини танлаб, ҳозир пойтахтимиздаги автокорхонада меҳнат қиляпти. Кенжамиз Олег эса ўқитувчиликни танлади. Мактабда болаларга компьютер сирларини ўргатмоқда.

Пенсия ёшида бўлсам-да, ҳамон қадрдон мактабимда ёш ўқитувчиларга устозлик қилиб, ўқувчиларга тарих фанидан дарс бериб келяпман. Шогирдларим тез-тез йўқлаб туришади, уларга ҳаёт йўлим, тажрибаларимдан сўзлаб бераман.

Бундай бахтга эришишим, давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишим, ҳеч шубҳасиз, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида барча миллат ва элат вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Мен шу муқаддас юрт фарзанди эканимдан фахрланаман.

Людмила ШУЛЬГА,
Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.
(ЎзА)

Андижон Вилояти

Балиқчи тумани ҳудудидан Қорадарё, Катта Андижон канали, Мазгилсой каби катта сув йўллари ўтган. Демакки, туманда экинларни суғоришда муаммолар йўқ. Аммо айни шу сув йўлларининг кўплиги бошқа бир муаммони келтириб чиқаради. Бу ер ости сувларининг доимий равишда мўлжалдагидан юқори туришидир.

УНУМДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Шу боис ҳам далаларда ҳосил йиғиб олингач, то баҳорги юмушларгача ер ости сувлари сатҳини пасайтириш бўйича режа асосида кенг кўламли ишлар олиб борилади.

— Бу йилги режамизга кўра, тумандаги мавжуд 500 километр ички ариқлар тозаланиши мўлжалланган, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Фаридахон Турғунова. — Ҳозиргача ана шу ишларнинг тўртдан уч қисми сифатли бажарилди. Бир ярим минг гектар майдонда шўр ювиш ишлари амалга оширилди.

Туманда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони дастуриламал вазифасини ўтаётир. Кейинги уч йил давомида туманда 428 километр узунликдаги зовурлар тизими давлат маблағи ҳисобига тозаланди. Бу салкам тўрт минг гектар майдонда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, ҳосилдорликни гектарига уч центнерданга ошириш имконини берди. Зах сувларни тортувчи тўртта янги тик қудуқ қурилиб, улар сони 92 тага етказилди.

Жорий йилда туманда иккита катта лойиҳа амалга оширилади. Шамсиқўл ва Жартепа коллектор тармоқлари тизими таъмирланади. Аввалги лойиҳалардан фарқли равишда бунда асосий коллекторларгина эмас, балки уларга кирувчи барча тармоқлар ҳам тўлиқ таъмирланиши кўзда тутилган. Буларнинг барчаси балиқчилик деҳқонларнинг мўл ҳосил олишларига замин бўлади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

ТОМОРҚАДАН – "НЕКСИЯ" ВА "ДАМАС"

(Боши 1-саҳифада)

Туман бўйича 197 та хонадонда иссиқхона хўжалиги мавжуд. Иссиқхоналарда лимон парваришлаш яхши йўлга қўйилган. Бодринг, помидор ва бошқа экинлар парвариши борасида кўплаб хонадонлар ибратли тажрибаларга эга. Айниқса, иссиқхоналар фаолиятига туманнинг Истиқлол, Қорасув, Қумовул, Дўстлик каби қишлоқ фуқаролар йиғинларида етарлича эътибор билан қаралмоқда. Жумладан, Истиқлол ҚФЙ ҳудудида 32 хонадонда иссиқхоналар мавжудлиги бу борада фаолият кўлами кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Тумандаги Янги турмуш қишлоқ фуқаролар йиғини Қўқоновул маҳалласида истиқомат қилувчи Зуҳриддин Юсуповлар оиласи ҳам ўз томорқасидан унумли фойдаланиб келаётган хонадонлардан ҳисобланади. Ҳар йили ноябрь ойининг бошларида 20 сотих томорқа майдони яхшилаб шудгорланиб, маҳаллий ўғитга тўйинтирилади ва плёнка остига Голландиянинг "Шантане" навли сабзи, "Боро" навли қизил лавлаги уруғлари сепилади. Оиланинг 5 нафар аъзоси баҳор ҳамқишлоқларига ўрнак бўлмоқда.

— Айни кунда қишлоқ фуқаролар йиғинимиз ҳудудидаги Деҳқонобод ва Қўқоновул маҳаллаларидаги томорқа хўжаликларида мева-сабзавот, полиз ва картошка экинларини экиш, мўл ҳосил етиштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Янги турмуш қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муроджон Миразизов. — Маҳалла фаолларига хонадонлар бириктириб берилган. Улар хонадон соҳиблари билан томорқадан самарали фойдаланиш, йилига 2-3 марта ҳосил олиб, аввало, ўз рўзғорига барака киритиш, ортган маҳсулотларни бозорга чиқариб, эл-юрт дастурхонини мўл-кўл қилиш йўлидаги ишларга бош-қош бўлишмоқда. Қўқоновул маҳалла фуқаролар йиғинида 750 та хонадон мавжуд бўлиб, ушбу хонадонларнинг томорқа хўжалиги 143,6 гектарни ташкил этади. Бу жуда катта имконият. Ердан самарали фойдаланиб, бир йилда икки-уч маротаба ҳосил олинса, халқимиз фаровонлиги янада ошишига шубҳа йўқ. Биз эса, ўз навбатида, шахсий томорқа хўжалигида деҳқончилик, иссиқхона қуриш, боғдорчилик, асаларичилик билан шуғулланиш истагида бўлган кишиларга амалий ёрдам беришга тайёрмиз. Бу борада Зуҳриддин Юсупов каби миришкорларнинг иш тажрибаси бизга жуда қўл келмоқда.

Зуҳриддин Юсупов томорқасида.

Толиб ХАКИМОВ
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.

Жиззах Вилояти

▼ ҚИШ ЮМУШЛАРИ

ЭКИН ДАРМОНИ, ТУПРОҚ МАЛҲАМИ

Шу кунларда "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖнинг Пахтакор тумани филиали ҳовлисига қатнаётган тиркамали тракторлар кети узилмайди. Лекин улар бу ердан одатдагидай маъданли ўғитлар эмас, маҳаллий ўғит олиб чиқишмоқда.

— Туманимиз ғаллакорлари бу йил 11,6 минг гектар майдонда ғалла парваришлашяпти, — дейди филиал раҳбари Нарзулла Тошбеков. — Уларнинг ўз экинларини биринчи озиқлантиришлари учун гектарига 120 килограммдан маъданли ўғитлар билан тўла таъминлаган эдик. Шу боис, деярли барча майдонларда экин ҳолати кўнгилдагидай — 15-20 сантиметр бўй тортиб, 3-4 тадан туплаб қишга кирди. Лекин ғаллакорларимиз ҳар йилгидай бу йил ҳам экинларига қўшимча озуқалар бериб, ҳосилдорликни оширишга ҳаракат қилишяпти. Бунда, албатта, асосий қўшимча озуқа чиритилган гўнг бўлади. Филиалимиз жамоаси айнан шуни эътиборга олиб, ўтган йилнинг ёз-куз ойларида филиал ҳовлиси ва бир неча дала бўйида катта сиғимли хандақлар қазиган ва бу хандақларни бир ҳисса маъданли ўғитга уч ҳисса гўнг аралаш тўлғазиб, кўмиб қўйишганди. Мана, ҳозирга келиб, ларда 10 минг тоннага яқин маҳаллий ўғит компости тайёр бўлди. Бошқача қилиб айтсак, ҳар гектар ғаллазор учун 800-900 килограмм атрофида компостга эгамиз. Фермер ва деҳқонларимиз эса уларни ташиб олишяпти. Ахир, маҳаллий ўғит — экин дармонигина эмас, шўр тупроқ учун ер малҳами ҳам-да! Тупроқ тузини кучсизлантиради, экиннинг совуққа чидамини оширади, озуқа сифатида илдиз тизимининг ривожланишига, кўпроқ туплашига таъсир этади.

Механизатор Рашид Жўраев.

Ўтган йили 2 минг тоннадан зиёд компост тайёрлаб, 5 миллион сўм соф фойда олган эдик. Бу йил ана шу даромадни икки баравар кўпайтиришни чўтлаяпмиз.

Демакки, жамоа тайёрлаган маҳаллий ўғит компости уни тайёрлаганлар учун ҳам, ғаллакор-деҳқонлар учун ҳам кони фойда. Шу боис, айни кунларгача туманнинг 20 дан зиёд фермер хўжалиги ғаллакорлари бу ердан компост ташиб кетишди. Бу ишларга ҳар бири иккитадан тиркама судраган 16 та транспорт трактори, иккита юклагич сафарбар этилган.

— Кейинги уч кун мобайнида "Зафар" сув истеъмолчилари уюшмасидаги "Сабо ғунчаси" фермер хўжалиги ғаллазорига 72 тонна чиритилган гўнг ташидик, — дейди туман ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими механизатори Рашиджон Зокиров. — Хўжалик ишчилари компостни пешма-пеш далага сочишяпти. Олдинги кунларда бошқа хўжаликларга ташиган ўғитларимни ҳам деҳқонлар аллақачон ғаллазорларига сепиб бўлишди. Масалан, "Пахтакор" сув истеъмолчилари уюшмасидаги Анвар Анорбоев раҳбарлигидаги "Ислом", Ширин Зоиров раҳбарлигидаги "Зоир", Турғун Анорбоев раҳбарлигидаги "Мажид ота", Мухтор Ўрозалиев раҳбарлигидаги "Сайёрабону", "Туркистон" сув истеъмолчилари уюшмасидаги Бахтиёр Зокиров раҳбарлигидаги "Холмўмин Зокир", Раббим Холмўминов раҳбарлигидаги "Навқирон Даврон" фермер хўжаликлари аъзолари бу ишни сифатли бажариб, айни пайтда экинларини иккинчи суғориш тадорикларини кўришяпти.

"Ислом" фермер хўжалиги раҳбари Анвар Анорбоев (ўнгда) "Қишлоқхўжаликкимё" ҲАЖнинг Пахтакор тумани филиали назоратчиси Худойберди Ўсаров.

Ҳа, пахтакорлик ғаллакорлар қиш фаслини ҳам иш фасли билиб, мўл ҳосилга замин қўйишмоқда.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти, Фарғона тумани ҳокимининг 2011 йил 23 декабрдаги 105-Ф-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги 45 (қирқ беш) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Чимён ҚФЙ, Чимён МТП ҳудуди, 1 зонада жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 54 604 сўм.

2. Гўшт ва сут маҳсулотлари дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Чимён ҚФЙ, Чимён МТП ҳудуди, 1 зонада жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 54 604 сўм.

3. Пайнет хизмати кўрсатиш биноси қуриш учун, Фарғона тумани, Чимён ҚФЙ, Чимён МТП ҳудуди, 1 зонада жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 54 604 сўм.

4. Сартарошхона қуриш учун, Фарғона тумани, Чимён ҚФЙ, Чимён МТП ҳудуди, 1 зонада жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 54 604 сўм.

5. Тикувчилик цехи қуриш учун, Фарғона тумани, Чимён ҚФЙ, Чимён МТП ҳудуди, 1 зонада жойлашган, 1 дона 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 109 207 сўм.

6. Чилангарлик цехи қуриш учун, Фарғона тумани, Чимён ҚФЙ, Чимён МТП ҳудуди, 1 зонада жойлашган, 1 дона 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 163 811 сўм.

7. Ошхона биноси қуриш учун, Фарғона тумани, Чимён ҚФЙ, Чимён МТП ҳудуди, 1 зонада жойлашган, 1 дона 400 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 218 414 сўм.

8. Новвойхона қуриш учун, Фарғона тумани, Чимён ҚФЙ, Чимён МТП ҳудуди, 1 зонада жойлашган, 1 дона 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 163 811 сўм.

9. Савдо дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Юқори Водил ҚФЙ, А.Ғуломов кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 54 604 сўм.

10. Гўшт дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Юқори Водил ҚФЙ, А.Ғуломов кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 27 302 сўм.

11. Сартарошхона қуриш учун, Фарғона тумани, Юқори Водил ҚФЙ, А.Ғуломов кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 50 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 27 302 сўм.

12. Савдо маркази қуриш учун, Фарғона тумани, Юқори Водил ҚФЙ, А.Ғуломов кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 54 604 сўм.

13. Чойхона биноси қуриш учун, Фарғона тумани, Юқори Водил ҚФЙ, А.Ғуломов кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 163 811 сўм.

14. Пайнет дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Юқори Водил ҚФЙ, А.Ғуломов кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 54 604 сўм.

15. Дорихона биноси қуриш учун, Фарғона тумани, Юқори Водил ҚФЙ, А.Ғуломов кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 54 604 сўм.

16. Қурилиш материаллари дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Юқори Водил ҚФЙ, А.Ғуломов кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 400 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 218 414,4 сўм.

17. Савдо дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Водил ҚФЙ, Марғилон кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 109 207 сўм.

18. Компьютер хизмати кўрсатиш шохобчаси қуриш учун, Фарғона тумани, Водил ҚФЙ, Марғилон кўчаси, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 163 811 сўм.

19. Мавсумий чойхона қуриш учун, Фарғона тумани, Водил ҚФЙ, 1 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 109 207 сўм.

20. Савдо дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Аввал ҚФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 127 884 сўм.

21. Автомобилларни жузъий таъмирлаш устахонаси қуриш учун, Фарғона тумани, Аввал ҚФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 127 884 сўм.

22. Савдо дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Аввал ҚФЙ, Ўрта қишлоғи, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 60 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 25 577 сўм.

23. Савдо дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Дамкўл ҚФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 42 628 сўм.

24. Савдо дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Лоғон ҚФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 127 884 сўм.

25. Тўйхона қуриш учун, Фарғона тумани, Лоғон ҚФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 1 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 511 538 сўм.

26. Савдо дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Лоғон ҚФЙ, Гулпиён МФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 42 628 сўм.

27. Тикувчилик цехи қуриш учун, Фарғона тумани, Лоғон ҚФЙ, Гулпиён МФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 127 884 сўм.

28. Кутубхона биноси қуриш учун, Фарғона тумани, Лоғон ҚФЙ, Гулпиён МФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган 1 дона 300 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 127 884 сўм.

29. Пайнет хизмати кўрсатиш биноси қуриш учун, Фарғона тумани, Лоғон ҚФЙ, Гулпиён МФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 42 628 сўм.

30. Мева ва сабзавотлар сақлаш омбори (совуқхона) қуриш учун, Фарғона тумани, Чекшўра ҚФЙ, Саткак МФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 3 000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 278 844 сўм.

31. Омборхона қуриш учун, Фарғона тумани, Чекшўра ҚФЙ, Саткак МФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 2 000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 852 563 сўм.

32. Иссиқхона биноси қуриш учун, Фарғона тумани, Чекшўра ҚФЙ, Саткак МФЙ, 2 зона ҳудудида жойлашган 1 дона 2 000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 852 563 сўм.

33. Савдо дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Оқ билол ҚФЙ деҳқон бозори олди, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 200 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 85 256 сўм.

34. Қурилиш материаллари дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Оқ билол ҚФЙ деҳқон бозори олди, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 400 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 170 512 сўм.

35. Баққоллик дўкони қуриш учун, Фарғона тумани, Оқ билол ҚФЙ деҳқон бозори олди, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 42 628 сўм.

36. Пайнет хизмати кўрсатиш биноси қуриш учун, Фарғона тумани, Оқ билол ҚФЙ деҳқон бозори олди, 2 зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 100 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 42 628 сўм.

